



## МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ ЎРНИ

Матниёзов Дилшод Маримбоевич

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12546902>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 16-June 2024 yil  
Ma'qullandi: 20-June 2024 yil  
Nashr qilindi: 26-June 2024 yil

### KEYWORDS

Иқтисодий барқарорлик, барқарор иқтисодий ўсиш, инфратузилма фаолияти, иқтисодий инфратузилма, ижтимоий инфратузилма, инфратузилма объектлари, инфратузилманинг ҳудудий ва тармоқ хусусиятлари.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминловчи инфратузилмани ривожлантиришнинг объектив зарурлиги, аҳамияти ва иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги ўрни, инфратузилмалар фаолиятини тўғри ташкил қилишнинг барқарор иқтисодий ўсишга боғлиқлиги ҳамда замонавий иқтисодий риожланиш ҳолатида иқтисодий инфратузилмалар фаолиятини ривожлантириш йўналишлари келтириб ўтилган.

Жаҳон тажрибаси иқтисодиёт ривожланишига, унинг узоқ муддатли давомийлигига миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминламай туриб эришиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Миллий иқтисодиётнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик яхлитлиги асосидаги фаолиятни таъминлаш барқарорлик негизини ташкил қилсада, уларнинг ўзаро мувофиқлигига эришишда инфратузилма муҳим аҳамият касб этади. "Ривожланган мамлакатларда, хусусан, АҚШ ва Европа мамлакатларида инфратузилмага йўналтирилган инвестициялар ЯИМнинг 5-7 фоиз миқдорига етган"<sup>1</sup>. Минтақаларда инфратузилма салоҳиятини ривожлантириш асосида иқтисодий ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш кенгайишига, иш ўринлари яратилишига, аҳоли даромадлари ва турмуш тарзи ўсишига, минтақанинг барқарорлигига, мамлакат тараққиётига эришиш имконини беради.

Янги Ўзбекистонда минтақаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. «Республикада ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига қулай инвестиция муҳитини яратиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида янги инфратузилма объектларини барпо этиш, шу асосда аҳоли бандлигини

<sup>1</sup><https://www.oecd.org/eurasia/competitiveness-programme/eastern-partners/Strengthening-the-Role-of-Private-Finance-in-Infrastructure-Development-in-Eastern-Partner-Countries-RUS.pdf>. OECD 2020, 100 p.

таъминлаш ва уларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш»<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг ижросини самарали тарзда таъминлаш учун республика ҳудудларининг иқтисодий ва табиий салоҳиятини ўрганиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ишлаб чиқариш қўламини ошириш ва барқарорлигини таъминлашда инфратузилма фаолиятини ривожлантириш, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Инфратузилмага киритилган инвестициялар иқтисодиётга бевосита таъсир қилиб, мультпликатив самаратаъминлаб беради. Мазкур катталик Россияда 2,05 га тенг<sup>3</sup>. БМТ ва Оксфорд университети тадқиқотларини кўрсатишича, инфратузилманинг ривожланиши 2015 йилда эълон қилинган 17 та Барқарор ривожланиш мақсадларининг амалга ошишини 72 фоизга таъминловчи омил ҳисобланади<sup>4</sup>. Демак, инфратузилмалар фаолиятини тўғри ташкил қилиш бевосита барқарор ўсиш билан боғлиқ экан.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда иқтисодий инфратузилманинг ўрни жуда ҳам муҳим бўлиб, буни қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

1. Ривожланган ва самарали инфратузилма иқтисодий субъектлар ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этишга ва шу орқали ишлаб чиқариш самарадорлигига оширишга хизмат қилади; Бу эса ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, маҳсулот сифатини ошириш орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширади.

2. Ҳудудий ривожланишни мувозанатлаштиришга ёрдам беради, инфратузилманинг ҳудудлар бўйича баланслашган ривожланиши уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини мувозанатлаштиради. Бу эса ҳудудлараро тафовутларни қисқартириш ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлайди.

3. Инфратузилма тармоқлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликни таъминлайди. Бу эса тармоқларнинг мувозанатли ривожланишини шакллантиради ва миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини мустаҳкамлайди.

4. Инвестиция муҳитини яхшилади, замонавий ва ривожланган инфратузилма инвесторлар учун жозибали инвестиция муҳитини шакллантиради. Бу эса янги инвестицияларни жалб этишга ва иқтисодий ўсишни таъминлашга ёрдам беради.

5. Экологик барқарорликни таъминлайди, инфратузилманинг экологик жиҳатдан хавфсиз ва барқарор ривожланиши атроф-муҳит ҳолатини яхшилади. Бу эса миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

6. Аҳоли турмуш даражасининг барқарор ошиб боришига ёрдам беради, инфратузилманинг самарали фаолияти аҳоли учун сифатли хизматлар кўрсатишни таъминлайди. Бу эса аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ошишига ҳамда иқтисодий барқарорликка олиб келади.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги «2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4565-сон қарори // <https://lex.uz/docs/5188512>.

<sup>3</sup> Давыдова О.А. Инструменты развития производственной инфраструктуры города Москвы // Вестник РЭУ им. Г. В. Плеханова. 2017, №4(94). С.144-153.

<sup>4</sup> Battacharya et al., “The New Climate Economy Report,” Global Commission on the Economy and Climate, 2018, at <https://newclimateeconomy.report/2018>.

Иқтисодий инфратузилмалар фаолиятини ривожлантириш бир қатор йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

1. Инфратузилма тармоқлари ривожланишини режавий асосда таъминлаш:

- Инфратузилмани ривожлантириш дастурлари, режалари ишлаб чиқилиб, уларнинг мақсадли молиявий ва ресурс таъминоти таъминланади. Бу эса инфратузилманинг изчил ривожланишини, янгиланишини ва модернизация қилинишини таъминлайди.

2. Инфратузилма объектларини замонавий технологиялар асосида қайта қуриш ва модернизация қилиш:

- Мавжуд инфратузилма объектлари янги технологиялар асосида қайта қурилиб ёки модернизация қилинади. Бу эса уларнинг самарадорлигини ва хизмат кўрсатиш сифатини оширади.

3. Ахборот-коммуникация технологияларини инфратузилма фаолиятига жорий этиш:

- Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилма объектларида кенг жорий этилади. Бу эса инфратузилма фаолиятининг самарадорлиги ва сифатини ошириш имконини беради.

4. Инфратузилманинг ҳудудий ва тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш:

- Ҳар бир ҳудуд ва тармоқнинг ўзига хос инфратузилма кераклигидан келиб чиққан ҳолда уларни ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Бу эса ривожланишнинг минтақавий мувозанатини таъминлайди.

5. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш:

- Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро ҳамкорлиги кучайтирилади. Бу эса инфратузилма ривожланиши учун янги молиявий манбалар топилишига ёрдам беради.

6. Инфратузилма фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш:

- Инфратузилма фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қоидалар такомиллаштирилади. Бу эса инфратузилма самарадорлигини ошириш ва унинг ривожланишига қулай шароитлар яратади.

Хулоса қилиб айтганда, самарали ривожланган ва мувозанатли инфратузилма иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги, инвестициялар, экология ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш орқали миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига замин яратади. Шу сабабли, инфратузилма ривожланишини таъминлаш миллий иқтисодиётни мустақамлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги «2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4565-сон қарори// <https://lex.uz/docs/5188512>

2. Battacharya et al., "The New Climate Economy Report," Global Commission on the Economy and Climate, 2018, at <https://newclimateeconomy.report/2018>.

3. Sherov, A. B. (2022). Current issues of financing higher education institutions in the condition of an innovative economy. *Gospodarka i Innowacje.*, 21, 127-130.
4. Давыдова О.А. Инструменты развития производственной инфраструктуры города Москвы // Вестник РЭУ им. Г. В. Плеханова. 2017, №4(94). С.144-153.
5. <https://www.oecd.org/eurasia/competitiveness-programme/eastern-partners/Strengthening-the-Role-of-Private-Finance-in-Infrastructure-Development-in-Eastern-Partner-Countries-RUS.pdf>. OECD 2020, 100 p.
6. Bakberganovich, S. A. (2022). Foreign experience of increasing local budget income. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(10), 436-438.

